

«NAVOIY  
KON-METALLURGIYA  
KOMBINATI»  
DAVLAT KORXONASI  
ГОСУДАРСТВЕННОЕ  
ПРЕДПРИЯТИЕ  
«НАВОЙСКИЙ  
ГОРНО-МЕТАЛЛУРГИЧЕСКИЙ  
КОМБИНАТ»

BUYRUQ  
ПРИКАЗ

2021.23.07 № 528

Navoiy sh.

г.Навои

*“Харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш  
схемалари, тартиблари ва низомларини,  
шунингдек харид комиссиялари таркибларини  
тасдиқлаш тўғрисида”*

Комбинатнинг 2021 йил 11 майдаги 354 ва 2021 йил 7 июлдаги 500-сон буйруклари талабларини бажариш, комбинатда харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказишни такомиллаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунининг қучга кириши муносабати билан

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Комбинат бўйича қуйидагилар тасдиқлансин ва 2021 йил 23 июлдан амалга киритилсин:

- НКМКда харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш схемаси;
- НКМК етказиб берувчиларнинг дастлабки малака танлови тўғрисидаги Низом;
- НКМКда тендерларни ўтказиш тартиби;
- НКМКда энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш тартиби;
- НКМК харидларида аукцион ва биржа савдоларини ўтказиш тартиби;
- НКМКда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш тартиби;
- Товарларни харид қилиш бўйича харид комиссияси таркиби;
- Ишлар ва хизматларни харид қилиш бўйича харид комиссияси таркиби;
- НКМК етказиб берувчиларнинг дастлабки малака танлови бўйича комиссия таркиби.

2. Комбинат бўлинмалари раҳбарлари (Халикулов, Шакаров, Атабаев, Назаров, Эшонкулов, Рахматов):

2.1 харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда Мазкур буйруқдаги Тартиблар ва Низомларга амал қилсинлар;

2.2 бир ҳафталик муддатда, Харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш схемалари ва Харид комиссиялари таркибларини бош директорнинг тижорат масалалари бўйича ўринбосари в.б. (Бақоев) билан келишсинлар ва тасдиқласинлар.

2.3 мазкур Тартиблар ва Низомлар моҳияти ва маъно-мазмунини ижрочиларга етказсинлар ва тушунтирсинлар.

3. Харид комиссиялари раҳбарларига мазкур буйруқ, давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этиш, шунингдек харидларни амалга оширишда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Комбинат бўйича 2020 йил 27 майдаги 424 ва 2020 йил 25 июндаги 495-сон буйруқлар амал қилиши бекор қилинсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш бош муҳандис в.б. (Исунц), бош директорнинг тижорат масалалари бўйича ўринбосари в.б. (Бақоев) зиммасига юклансин.

Бош директор в.б.



Н. Снитка